

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзгидромет хузуридаги
жамоатчилик кенгаши раиси
ўринбосари
Ф.С. Агзамов
2022 йил “5” июль

Ўзгидромет ва қуйи тизимларида ижро интизомини таъминлаш
борасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида
Жамоатчилик кенгаши мажлисининг
3-сон БАЁНИ

2022 йил “5” июль

Тошкент шаҳри

Жамоатчилик
кенгаши раиси:

Ф.Х. Хикматов – Ўзбекистон Миллий университети
Гидрометеорология факультети профессори,

Жамоатчилик кенгаши
раиси ўринбосари:

Ф.С. Агзамов - Жамоатчилик кенгаши раиси
ўринбосари

Жамоатчилик кенгаши
аъзолари:

К.Р. Рахмонов – Ўзбекистон Миллий университети
Гидрометеорология факультети декани;
Б.Е. Аденбаев - Ўзбекистон Миллий университети
Гидрометеорология факультети кафедра мудири,
профессор;
Б.М. Холматжонов – Гидрометеорология илмий-
тадқиқот институти Иқлим ўзгариши бўлими мудири;
А.С. Ҳайдаров – Самарқанд давлат университети
кафедра мудири;
Э.И. Абдулахатов - Гидрометеорология илмий-
тадқиқот институти таянч докторанти.

Қатнашчилар:

Ўзгидромет Бош директори, ҳамда Марказий аппарат
бошқарма ва бўлим бошлиқлари, тизим ташкилотлар

КУН ТАРТИБИ:

Ўзгидрометда “Гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва атроф-мухит
мониторинги долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари”
мавзусида жамоатчилик кенгаши йиғилиши.

Йиғилиш жорий йилнинг 5 июль куни Ўзгидромет мажлислар залида
бўлиб ўтди.

Кенгаш вакиллари, ҳамда Ўзгидромет мутахассислари томонидан
таъкидланганидек, бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният
олдида турган энг жиддий муаммолардан бири деб тан олмоқда. Бирлашган
Миллатлар Ташкилоти уни ҳал этишнинг иккита асосий йўналишини, яъни
атмосферага иссиқхона газлари чиқарилишини камайтириш ҳамда

атмосферага иссиқхона газлари чиқарилишини камайтириш ҳамда кузатилаётган ва кутилаётган иқлим ўзгаришларига мослашишни белгилади. Ўз вақтида чоралар қабул қилмаслик ва атмосферада иссиқхона газлари миқдорини бундан кейин ҳам кўпайиши ҳолатида мамлакатлар иқлим ўзгариши борасидаги ҳаракатлар учун катта маблағларни мобилизация қилишларига тўғри келади.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида Париж Битими 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган ва 2020 йилдан бошлаб амалга оширилмоқда. Келишувнинг асосий мақсади иссиқхона газлари ташланмаларини сезиларли даражада камайтириб, сайёрамизда глобал иссиқхона индустриал ривожланиш давридаги ўртача ҳароратга нисбатан Цельсий шкаласи бўйича 1,5-2 градус чегарасида ушлаб туришга эришишдан иборат.

2018 йилда Ўзбекистон томонидан Париж Битимини ратификация қилинди. Унга асосан Ўзбекистон Республикаси 2030 йилга келиб иссиқхона газлари солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан ялпи ички маҳсулот бирлигига 35 фоизга қисқартиришни мўлжалламоқда.

Ушбу мақсадларда авваломбор мамлакатда соҳанинг мукамал ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилганлиги, хусусан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази гидрометеорология фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи сифатида белгиланганлиги, соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи янги “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг аҳамияти кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги янги Қонунининг, “Ўрмон тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Қонунининг қабул қилиниши, “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва бир қатор ҳукумат қарорлари ушбу халқаро ҳужжат доирасида қабул қилинган мажбуриятлар ижросини таъминловчи ҳуқуқий асослар бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, сўнги 5 йил ичида Орол денгизининг қуриган тубидаги 2 млн ер майдонида ўрмонлаштириш ишларининг ҳамда “яшил ҳудудлар” ва “яшил белбоғ”ларнинг барпо этилиши, Давлат раҳбарининг ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили мамлакатда 200 млн дарахт ва бута кўчатларининг экилиши Конвенция ижросининг амалий тадбирлари намунасидир.


Тадбирда гидрометеорология хизмати ходимлари томонидан 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепциясига асосан сўнги йилларда гидрометеорология хизматини ривожлантириш, иқлим ўзгариши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши соҳасида илмий фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, тадбир иштирокчиларини марказда ташкил этилган ишлаб

чиқариш ва хўжалик фаолияти объектларидан олисда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жойлашган атроф табиий муҳитнинг барча объектларида ифлослантирувчи моддалар мавжудлиги даражасининг узоқ муддатли тизимли кузатуви тарзидаги фон мониторингини амалга ошириш ҳамда гидрометеорологик ахборот тайёрлаш ҳамда атроф табиий муҳит ҳолати ва ифлосланишининг мониторинги халқаро тизимларини мувофиқлаштириш ва интеграция қилиш борасидаги ахборот-маълумотлар базаси билан яқиндан танишиш имкони яратилди.

Йиғилишда иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш учун қатор чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан иссиқхона газларини камайтириш, ишлаб чиқаришда ва транспортда экологик тоза технологияларни қўллаш, кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда қайта тикланувчи энергетика соҳасини ривожлантириш талаб этилиши кўрсатиб ўтилди.

Давра суҳбати якунида тегишли тавсия қабул қилинди.

Йиғилиш котиби



М. Рузиева